

Умумтаълим мактабларидаги иситиш тизимлари ўрганилди



Ўқувчи ёшларга қулай шароит яратиш ва куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида мактабларда кўрилаётган чоралар билан танишилиб, олиб борилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан мактаб директори ва масъулларига қатор топшириқ ва вазифалар юклатилди.

Маълумот ўрнида, Шеробод туман Халқ таълими бўлими берган ахборотга кўра, бугунги кунда туман халқ таълим бўлими тасарруфида жами 76 та таълим муассасалари мавжуд бўлиб, жумладан, 75 та мактаб (шундан, 74 та умумтаълим мактаби, 1 та Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати), 1 та “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолият олиб бормоқда.